O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 12 январь, № 8 (3553) Чоршанба


## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов ва Ҳиндистон Республикаси савдо ва саноат давлат вазири Шри Илангован мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидладилар. Бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари икки мамлакат давлат раҳбарлари имзолаган ҳужжатларда белгилаб берилган.

Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг ўзаро савдо айланмаси 2004 йилнинг ўн бир ойида салкам 121 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Юртимизда Ҳиндистон сармояси иштирокида ташкил этилган 45 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Аммо, деб қайд этилди учрашувда, бу кўрсаткичлар икки мамлакатнинг ҳам имкониятлари даражасидан анча пастдир. Зеро, иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп.

Шу боис йиғилишда ўзаро савдо алоқалари ҳажмини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, машинасозлик, тўқимачилик, кимё саноати каби соҳаларда биргаликда янги сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга оид ишларни тезлаштириш лозимлиги таъкидланди. Бу борада Ўзбекистонда ҳам, Ҳиндистонда ҳам қулай иқтисодий муҳит мавжуд.

Йиғилиш иштирокчилари молия, фан-техника, транспорт ва коммуникация йўналишларида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир вазифаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, Афғонистоннинг иқтисодий инфратузилмасини тиклаш ва ушбу мамлакат орқали ўтувчи транспорт йўлагини барпо этишда Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ҳамкорликдаги иштирокига оид масала кўриб чиқилди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



*Навоий шаҳридаги "Навоийазот" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг мамлакатимиз кимё саноатида алоҳида ўрни бор. Жамоа республикамиз қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини қондиришда муносиб улуш қўшиб келмоқда. Ҳар йили ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларига шартнома асосида 850-870 минг тонна ана шундай маҳсулотлар етказиб бериляпти. Шунингдек, корхонада халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида фойдаланиладиган турли хил бошқа товарлар ҳам тайёрланмоқда. Хусусан, бундан бир неча муддат илгари хлор ва хлорли каустик сода ишлаб чиқарадиган цехнинг фойдаланишга топширилиши маҳсулотлар турини янада кўпайтирди. Акциядорлик жамиятида кўрсаткичлар яхшиланаётганлиги боис, олинаётган фойда миқдори ҳам ортиб бормоқда.*

**СУРАТДА:** катта оператор Ихтиёр Хирмаев иш жараёнини назорат қилмоқда.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ҚУЛАЙ ВА АФЗАЛ

***Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимизда тўлов воситасининг замонавий усули — пластик карточкалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида ўтган йил 24 сентябрда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилган эди.***

— Ҳукуматимизнинг ушбу қарори аҳоли кенг қатламлари орасида пластик карточкаларни оммалаштиришда муҳим омил бўляпти, — деди "Ғаллабанк" бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Абдуносир Раҳмонов ЎзА мухбирига. — Қарор ижросини амалга ошириш учун келгуси йил охирига қадар олтмиш минг дона пластик карточка муомалага чиқарилиши мўлжалланмоқда. Шу давр мобайнида ярим мингдан ортиқ терминал ўрнатишимиз ҳам лозим бўлади. Ҳозир бу вазифани ўз вақтида бажариш учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Бугунги кунда юздан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасини терминаллар билан таъминлаш жараёнини ниҳоясига етказяпмиз. Айрим ташкилот, корхона ва фирмаларнинг ходимлари иш ҳақини пластик карточка орқали олиши йўлга қўйилди. Ихтиёрийлик асосида жорий қилинаётган бундай лойиҳалар ўзини тўла оқламоқда.

Пластик карточка фойдаланувчи учун қатор қулайлик ва афзалликларга эга. Молиявий операцияларни амалга оширишда ҳар икки томоннинг вақти тежалади ва хизмат ҳақи тўлашда харажатлар камаяди, унда чекланмаган миқдорда маблағ жойлаштириш мумкин, қолган маблағ эса ой ўтган сайин қўшимча даромад бериб боради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг қулай шакли ҳисобланган пластик карточка йўқолиб қолганда ҳам мутлақо хавфсиздир. Йўқолган карточка эгаси бу ҳақда банкка хабар берса, кифоя. Карточка фақат эгасигагина маълум код — пароль билан ҳимояланганi боис, бошқа киши ундан фойдалана олмайди.

Айтиш жоизки, бундай карточкалар мижозларимизга бепул бериляпти. Унга қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар, ўз карточкаси ёрдамида исталган жойдаги терминал тармоқлари орқали тўловни амалга ошириши таъминланган. Зарурат туғилганда банкларнинг жамғарма шохобчаларидаги терминаллар ва банкоматлардан нақд пул олиш имкони мавжуд.

Ҳозир юртдошларимиз савдо ва умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, авиа ва темир йўл чипталари, коммунал ва уяли алоқа хизматлари, ўқув-контракт тўловларини амалга оширишда пластик карточкалардан айниқса самарали фойдаланаётирлар.

**ЎзА мухбири**
**Лазиз РАҲМАТОВ**
**ёзиб олди.**

## ҲИНДИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Тошкентда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг қатор вазирлик ва идоралари, уюшма ва бирлашмалари, савдо ва саноат корхоналари раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар иштирок этди.

Ҳиндистоннинг йирик фирма ва компаниялари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкорлари билан иқтисодиётнинг турли йўналишлари, хусусан, кимё, лок-бўёқ, тўқимачилик, машинасозлик, ахборот технологиялари, фармацевтика саноати, халқ истеъмоли моллари, қурилиш ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш борасида биргаликда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишиб олдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов, Ҳиндистон савдо ва саноат давлат вазири Ш.Илангован сўзга чиқди.

* * *

Ҳиндистон савдо ва саноат давлат вазири Шри Илангован Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида томонлар икки мамлакат ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, Марказий Осиё минтақаси, шунингдек, Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚОСИМЖОНОВ ВА КАСПАРОВ «ЛИНАРЕС — 2005»ДА ЎЙНАЙДИ

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ йўналиши бўйича амалдаги жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳамда россиялик Гарри Каспаров ўртасида жаҳоннинг мутлақ чемпионлиги учун ўтказиладиган учрашув спорт оламининг энг муҳим воқеаларидан ҳисобланади.



Гарчи 2004 йилнинг якунида ФИДЕ раҳбари Кирсан Илюмжинов мазкур учрашув жорий йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этилишини маълум қилган бўлса-да, турли сабабларга кўра, дунёнинг энг зўр шахматчилари баҳси ўтказилмай қолди. Айни пайтда ҳам мазкур муҳим мусобақа қачон ва қаерда ташкил этилиши аниқ эмас.

Аммо, Испания мезбонлик қиладиган "Линарес-2005" анъанавий супертурнирида Рустам Қосимжонов жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган Гарри Каспаров билан икки партия ўйинда дона суради.

Ушбу турнирнинг нуфузини шундан ҳам билиш мумкинки, Линарес шаҳрига дунёнинг энг кучли халқаро гроссмейстерлари ташриф буюради. Жорий йилнинг 23 февраль куни бошланадиган супертурнирга Рустам Қосимжонов ҳамда Гарри Каспаровдан ташқари Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Леко (Венгрия), Майкл Адамс (Англия) ва Франсиско Вальехо (Испания) сингари етакчи шахматчилар таклиф этилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

## Осойишталик пойдевори

Кеча "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашида Президент Ислом Каримовнинг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" номли рисоласи асосида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

*Анжуман*

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида ҳарбий хизмат нуфузи ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг халқаро майдондаги обрўси сезиларли даражада ошди. НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасида турли давлатлар ҳудудида ўтган халқаро тинчлик ўрнатиш машқларида фаол иштирок этиш, шунингдек, юртимиз ҳудудида шу мазмундаги машқларнинг олиб борилиши ҳам ўтказилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Юқорида баён қилинган омилларни адо этишда Қуролли Кучлар шаклланишининг дастлабки босқичида офицер кадрларга катта эҳтиёж сезилди. Бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, Тошкентда умумқўшин, Чирчиқ танкчилар ва Самарқанд автомобиль билим юртлари кўп ихтисосли ўқув муассасаларига айлантирилди. Бундан ташқари, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, махсус алоқа факультети ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг очилиши ҳам профессионал армияга эришиш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва Оқсоқоллар кенгаши раиси А. Гадойбоев, мудофаа вазири ўринбосари, полковник М. Аҳмедов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Б. Убайдуллаев ва бошқалар юқорида зикр этилган рисоланинг ёшларни ватанварпарлик руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги хусусида тўхталдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ДИҚҚАТ: *республика ижодий танлови!*

## «ВАТАН ҒУРУРИ»

*Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 7 декабрда Оқсарой қароргоҳида Ватаннинг юксак мукофотларини, шу жумладан, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга Амир Темур орденини топширар экан, унинг оддий бир ўзбек оиласидан эканлигини, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида туғилганлигини, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар йигитлигини, айни пайтда худди шу йигит бутун дунёни ҳайратга солганлигини, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистон шуҳратини юксак даражага кўтарганлигини фахр-ифтихор билан таъкидладилар.*

*Халқимиз орасида Рустам Қосимжоновдай Истиқлол уйғотган, қалбида Ватан шаънини баланд тутган, элим-юртим дейдиган, фидойи, олижаноб ният-мақсадли одамлар оз эмас. Уларни ҳаётнинг барча соҳаларида учратишимиз мумкин. Бундай фуқароларнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳри, миллий ғурури ва орияти — Ўзбекистоннинг бебаҳо куч-қудрати манбаидир. Шундай заҳматкаш инсонлар бор экан, Ватанимиз шаъни юксалаверади, ҳаётимиз обод, турмушимиз фаровонлашиб бораверади.*

*Истагимиз шуки, бундай ажойиб инсонларни, уларнинг қалбидаги Ватан ғурурини, бу ғурур қандай мўъжизаларга қодир эканлигини ҳамма билсин, шундай юксак ғурурли юртдошларимиздан бошқалар ҳам ғурурлансин!*

*Шуни эътиборга олиб,*

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти «Ватан ғурури» республика ижодий танловини эълон қилмоқда.**

*Танлов 2005 йилнинг август ойида, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида якунланади.*

*Ижодий танлов майдони кенг ва ҳаммага очиқ. Фақат талаб битта: бевосита ҳаётга мурожаат қилайлик, чин маънода она юрт, она халқидан ғурурланиш туйғуси қалбининг қуёшига айланган юртдошларимиз ҳақида элга сўзлайлик.*

*Энг қизиқарли, ҳаяжонли, ўқишли очерклар, лавҳалар, ҳикоялар, эсселар газетада эълон қилиниб, йил охирида алоҳида китоб шаклида чоп этилади.*

**Танлов мукофотлари:**

**Битта биринчи мукофот — 500 000 сўм.**
**Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 150 000 сўмдан.**
**Учта учинчи мукофот — ҳар бири 100 000 сўмдан.**
**Рағбатлантирувчи совғалар — 10 та.**

***«Ватан ғурури» республика ижодий танловига марҳамат!***

***Омад сизга ёр бўлсин!***

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти.



## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Буюк ипак йўли бўйлаб" деб аталган Ўзбекистон — Корея қўшма кўргазмаси очилди. Уни ўзбек-корейс маданият марказлари уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ташкил этди.*

Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар қадим тарихга эга. Икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро ва халқаро муносабатлар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Қувонарли томони шундаки, Ўзбекистон — Корея қўшма кўргазмаларини ўтказиш ҳам яхши анъанага айланди. Мана ўн тўрт йилдирки, мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқот тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбек ва корейс рассомларининг яқин ва самарали алоқалари маданиятларимиз ўзаро бойишига ёрдам бермоқда ҳамда Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларида яхши ният ифодаси бўлмоқда.

Бир гуруҳ ўзбек ва корейс рассомлари томонидан тақдим этилган асарлар — икки мамлакатнинг кўп қиррали ва ўзига хос замонавий тасвирий санъатининг бир қисми, холос. Бу асарларда касб маҳорати ва шахсий ифода энергияси муҳим ўрин тутади.

Тур ва жанрларнинг хилма-хиллиги, ҳар бир иштирокчининг ижодий услуби бир-бирига ўхшамаслиги шундан далолат берадики, Ўзбекистон ва Корея тасвирий санъати янги ижодий чўққиларга интилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнг сўзга чиқди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Аскарга аталган гуллар

...Ҳарбий қисмнинг оддий аскари Хуршид Дўстжоновнинг қулоғига ўзи қўриқлаётган омбор ёнбошидан писиб бораётган одамнинг қадам товушлари эшитилди. Постда сергак турган Ватан ҳимоячиси муҳим ҳарбий объектга рухсатсиз кириб келган хавфли қонунбузарларга нисбатан Низом асосида ҳаракатни қўллаб, осмонга қарата ўқ узди, уни огоҳлантирди, қимир этса иккинчи ўқни аяб ўтирмаслигини айтди. Ўқ товушини эшитиб етиб келган соқчилар бошлиғига хавфли жиноятчини топширди. Тезкор таҳлил оддий аскарнинг жуда тўғри ҳаракат қилганини, ғаразли мақсад билан келган қонунбузар қўлга олинганини кўрсатди.

Оддий аскар Хуршид Дўстжоновнинг саъй-ҳаракати муносиб баҳосини олди: 2004 йилнинг 6 декабрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган Штаби Бошлиғининг «Юксак ҳушёрлик билан қоровуллик хизматини ўтаётган оддий аскар Хуршид Комилжонович Дўстжоновни мукофотлаш тўғрисида»ги буйруғи барча ҳарбий қисмларда эълон қилинди. «Командирлик» соати оддий аскарга тантанали равишда топширилди.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Эл фарзандининг жасур хатти-ҳаракати у туғилиб-ўсган Элликқалъага ҳам етиб келди. Янги йил байрами арафасида элликқалъаликлар ўзлари ўтказган бир неча минг кишилик тантанага оддий аскар Хуршид Дўстжоновни ҳам таклиф қилдилар. Сергак ўғлонга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Турсунбой Тангриберганов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, туман ҳокими Неъматулла Худойберганов совға-салом топширишди. Ота-онаси, ёру биродарлари бағрига босишди, кўзларида ҳавас чўғи порлаган жажжи укасингиллари гулдаста тутқазишди.

— Оддий аскар ўз ҳарбий қисмига бир олам қувонч билан қайтиб кетди, — дейди Элликқалъа туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Менгес Алламбергенов.

Юртимизнинг муқаддас тупроғини кўз қорачиғидек асраб, намунали хизмат қилаётган аскар Хуршид Дўстжонов эса ўз фикрини бир оғиз жумлада ифода этди: «Мен бурчимни бажардим, холос!».

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



«Халқ сўзи» назоратида

## Ижро мустаҳкамланади

Газетамизнинг 2004 йил 11 декабрь сонида "Солиқчилар ўзбекчани билишмайдими?" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган бўлиб, унда айрим солиқ идораларида иш юритиш ишлари ҳануз рус тилида олиб борилаётгани баён этилган эди. Мазкур мақола юзасидан Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи З. Хошимжонов имзоси билан таҳририятга келган расмий жавобда таъкидланишича, мақола Тошкент шаҳар давлат солиқ инспекциялари ходимлари ўртасида муҳокама этилган. Инспекция раҳбар ходимларига барча хат-ҳужжатлар давлат тилида тайёрланишини таъминлаш, бу борада назоратни кучайтириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган.

Миробод тумани давлат солиқ инспекциясининг махсус буйруғи билан Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Э.Гусейновга огоҳлантириш берилган. Бўлим инспектори Ш.Эшқулов бир ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жаримага тортилган.

"Давлат тили ҳақида"ги Қонун талаблари ижросини таъминлаш масъулияти бўлим ва шўъба раҳбарларига юклатилган.

# ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

***Кўпинча тадбиркорлар билан суҳбатлашганда улар бизнесни бошлаш ёки иш юритишда бир қатор мураккабликлар учраб туриши тўғрисида гапирадилар. Албатта, бизнеснинг ўзига хос қийинчиликлари ва қонун-қоидалари бор. Буни тушуниб етмасдан, зарур билим ва кўникмаларни олмасдан туриб, бирор муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ана шундай билимларни олишни истаган киши пойтахтимизда бир неча йилдан бери фаолият кўрсатаётган Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказига мурожаат қилиши мумкин. Европа Иттифоқи Комиссиясининг TACIS дастури ҳомийлигида ташкил этилган ушбу замонавий ўқув маркази тадбиркорлик йўналишининг турли шаклларида фаолият кўрсатаётган кўплаб кишиларнинг билим олишига ёрдам бермоқда. Унинг таъсисчилари Савдо-саноат палатаси, республика Ишбилармон аёллар уюшмасидир.***

***Марказнинг вужудга келиши ва шаклланишида Иқтисодиёт ва энергетика бўйича халқаро консалтинг компанияси (IMC, Англия), Менежерлар ва тадбиркорларни тайёрлаш институти (IFOA, Италия), Би-би-си МПМ телерадиокомпанияси фаол иштирок этди. 1996 йилдан у мустақил субъект сифатида фаолият кўрсатмоқда. Биз марказ бош директори Равил СОБИРЖОНОВга таълим муассасасининг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришни сўраб бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.***

## Ислоҳот одимлари

**— Равил Солиҳович, "бозор кўникмалари" тушунчасини кенг маънода қандай изоҳлаш мумкин?**

— Бу тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган билим ва кўникмалар билан боғлиқ бутун бир фаолиятдир. У ишни ташкил этиш, бизнесни режалаштириш, хориж бозорларига чиқиш, маҳсулотларни сотиш, музокаралар олиб бориш, шериклар ва мижозларни ишонтириш каби бир талай билимларни ўз ичига олади. Умуман, муваффақият қозонишни хоҳлаган тадбиркор кўп нарсани билиши керак. У ҳам молиячи ва менежер, ҳам раҳбар ва ижрочи бўлиши, бошқаларга ўргатиши ва зарур бўлса, ўзгалардан ўрганиши лозим.

Биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишининг вакиллари, менежерлар, корхона банкротлиги жараёни билан боғлиқ ишни бажарадиган суд бошқарувчиларини ўқитамиз. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари, хўжалик бирлашмалари, ахборот-маслаҳат марказларининг раҳбарларига ҳам таълим берамиз. Ҳозир ихтиёримизда 40 дан зиёд ўқув курслари ва дастурлари мавжуд бўлиб, улар ишни қандай бошлаш, муваффақиятли тадбиркорлик сирлари, чет эллик инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, маркетингни режалаштириш, ходимлар ва молия менежменти, суд бошқарувчиларини тайёрлаш ўқув модулларидан иборат. Айниқса, "Самарали сотув техникаси" курси кўпчиликка манзур. Шунингдек, "Сифат менежменти тизимларини жорий этиш" курсини ташкил этиш режалаштирилган.

Очиғи, фаолиятимизни фақат бир йўналишга қаратилган, деб бўлмайди. Марказимиз мослашувчан, доимо изланишда бўлиб, бундай кенг қамровли курсларга эга бўлган бошқа ўқув муассасасини мамлакатимизда топиш қийин.

**— Қандай таълим усуллари бор?**

— Ўқиш анъанавий андозада ўтказилмайди, тингловчиларни ўзига жалб қилмайдиган машғулотлар қўлланилмайди. Мураббийларимиз ўқувни "case study", аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, амалий вазифалар ва машқларни бажариш сингари услублар асосида ташкил этади. Гуруҳлар билан ишлаш, баҳслар, "ақлни чархлаш", интерактив услубиёт жиҳатларидан кенг фойдаланилади. Бу ўқишдан анча узоқлашиб қолган тадбиркорларга ҳаётий тажрибаларига таяниб, кўникмаларини янгилаш ва кенгайтириш имконини беради.

Англия, Италия ва Польшадан келган тажрибали экспертлар ёрдамида, шунингдек, тингловчиларнинг фаол иштирок этишини таъминлайдиган замонавий ўқув услубиётлари, машғулотларни ўтказиш шакллари жорий этилган. Уларнинг кўмаги билан республикамизда биринчи марта Европа мамлакатларининг етакчи ўқув марказларида ўз афзалликларини намоён этган масофадан туриб ўқитишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизда Европа стандартларига монанд замонавий ускуналар мавжуд. Ўқув машғулотларини ўтказиш учун етарли аудиториялар, 100 ўринли мажлислар зали, компьютер синфи бор. Аудио ва видеотехника, ўқув воситалари, кутубхона ўқитувчилар ва тингловчилар ихтиёридадир. Марказда 60 дан зиёд мураббий-ўқитувчи ва экспертлар доимий ҳамда шартнома асосида ишлашади. Уларнинг барчаси Европа Иттифоқи экспертлари раҳбарлигида махсус тайёргарликдан ўтишган. Ҳар икки ходим ва тренер-ўқитувчидан биттаси Англия, Италия, Япония, Греция, Исроилда малака ошириб қайтган.

**— Марказда корхоналар раҳбарлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳамда бозор инфратузилмаси мутахассислари ўқитилади. Мазкур йўналишда энди иш бошлашни хоҳловчиларга ҳам таълим бериладими?**

— Ушбу йўналиш бўйича алоҳида лойиҳа мавжуд бўлиб, у 1999 йилда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (ҳозирги Савдо-саноат палатаси) билан шартномага мувофиқ амалга оширилмоқда. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағи ҳисобидан меҳнат биржаларида ҳисобда турган ишсизлар ўқитилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Уни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги молиялаштирган бўлиб, тингловчиларга стипендия ҳам тўланади. Гуруҳларда фақат бандлик хизматлари йўллайдиган ишсизлар эмас, балки бошқа барча хоҳловчилар ҳам таълим оладилар.

**— Ўқув муддатлари тўғрисида маълумот берсангиз?**

— Бизда ўқувнинг мослашувчан модул тизими қўлланилади. Шу боис, ўқув муддатлари турлича: курс қанчалик мураккаблигига қараб, уч кундан қирқ кунгача. Энг оммалашгани — бир ҳафтадан икки ҳафтагача "Суд бошқарувчиларини тайёрлаш" дастури узоқ давом этадиган курс бўлиб, у жуда катта кўламда билим бериладиган ўзига хос курс ҳисобланади. Кейинчалик биз мониторингни амалга ошириб, битирувчиларнинг лицензия олган-олмаганликларини аниқлаб беришни режалаштирганмиз. Амалда битирувчиларимизнинг 80 фоизи суд бошқарувчиси бўлиш ҳуқуқини берадиган давлат лицензиясини олмоқдалар.

Битирувчиларимиз курсни тамомлагандан кейин ҳам ҳамкорликни давом эттиришяпти, яъни маслаҳат сўраб бизга мурожаат этмоқда. Шунингдек, бизнес-режани тузиш, корхонани рўйхатдан ўтказиш, бизнес соҳасида ишловчилар учун қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича ахборот тўплаш ва тайёрлаш юзасидан тадбиркорларга маслаҳатлар бераяпмиз. Шерикларни топиш, амалий алоқалар ўрнатиш бўйича ҳам хизматлар кўрсатилади. Иш ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари тузиш, расмийлаштириш, шартномаларни тайёрлаш, инвестициялар олиш учун битимларни расмийлаштириш, корхоналарни ташкилий жиҳатдан қайта тузиш, мулк шаклини ўзгартириш масалалари юзасидан ҳам тавсиялар ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқилган.

Фаолиятимизнинг яна бир йўналиши — бу тадбиркорларни қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга жалб этишдир. Бу ғоя Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига кирадиган мамлакатлар ўртасидаги битимлар билан белгиланган. Гарчи мазкур фаолият бозор кўникмаларига бевосита алоқадор бўлмаса-да, лекин у, умуман, бизнесни ривожлантиришга қулайлик туғдирадиган шарт-шароит, ҳуқуқий замин яратилишига олиб келади.

**"Халқ сўзи" мухбири**
**Ҳосил КАРИМОВ**
**суҳбатлашди.**

*2005 йил — Соғлом турмуш гарови* 

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

# Соғлом турмуш гарови

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА).***

"Экосан" халқаро ташкилотининг ўтган йил фаолияти якунлари ва 2005 — Сиҳат-саломатлик йилидаги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Ўтган йили "Экосан" меҳр-мурувват йўлида" мақсадли дастурига мувофиқ аҳолининг тиббий-экологик маданиятини янада юксалтириш, барқарор ривожланишга эришишда жамоатчилик иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда "Энг мурувватли қўшни" кўрик-танлови ўтказилди.

Экологик ноқулай минтақада яшовчи аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида етти марта "Экосан" саломатлик ва мурувват поезди" ва авиарейслар ташкил этилди. Бундай мурувват ёрдами таркибида кийим-кечак, дори-дармон, дезинфекциялаш воситалари ва бошқа зарур анжомлар жойларга етказилди.

Малакали шифокорлардан иборат гуруҳлар юртимизнинг олис ҳудудларида яшаётган кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига бепул тиббий хизмат кўрсатди.

Йиғилишда жорий йил Президентимиз томонидан мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан "Экосан" ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган бу борадаги хайрли ишларни янада кенгайтиришга оид вазифалар белгилаб олинди.



*"Оҳангарондон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўтган йили 90 минг тонна ғаллани қабул қилиб олган эди. Ҳозирга қадар унинг 41 минг тоннадан зиёди қайта ишланиб, ундан ун ва ун маҳсулотлари тайёрланди.*

*— Юртимиз қуёшидан нур эмган ғалла унининг таъми ўзгачадир, — дейди корхона оператори Абдизир Пармонов.*

**Суратда: Абдизир Пармонов.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

### Хабарлар оқимидан

## Экспортбоп маҳсулот

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги «Олтин бошоқ» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасида ерёнғоқ креми тайёрлаш йўлга қўйилди. Кунига 500 килограмм хомашёни қайта ишлайдиган технологик линия маҳаллийлаштириш дастури бўйича ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки маблағи ҳисобидан «Ғаллабанк» орқали олинган кредит фирма жамоасига шундай истиқболли режани амалга ошириш имконини берди. Эндиликда фирма бу маҳсулотни мамлакатимиз ҳудудида сотибгина қолмасдан, чет элларга экспорт қилиши ҳам мумкин.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бепул ахборот ёрдами

Европа иттифоқи комиссиясининг беғараз ёрдами билан Андижондаги Бобур номли вилоят марказий кутубхонасида ахборот манбалари маркази иш бошлади. Марказ имконияти чекланган кишиларга, уларнинг оила аъзоларига, бундан ташқари ижтимоий касбий интеграция, таълим, тиббиёт тизимларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларга бепул ахборот ёрдами кўрсатади. Шу билан бирга семинарлар, кўргазмалар ташкил этади. Марказ билан бевосита алоқа ўрнатганлар ногиронларнинг реабилитацияси ҳамда интеграциясига оид адабиётлар, илмий мақолалар билан танишишдан ташқари, интернет орқали ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни олиш имконига эга бўладилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҒАТ-ҒАТ қилган карнайчи...

***Эскилардан қолган шундай гап бор: "Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан асрасин". Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, "Янги бозор" ширкат хўжалигида яшовчи Зиё Холиқовнинг боши эса, мана, икки йилдирки, ноҳақлик гирдобидан чиқмаётир. Янаям соддароқ қилиб айтсак, емаган сомсага пул тўламоқда. Нега дейсизми? Эшитинг.***

Ғиждувонлик хусусий тадбиркор Анвар Зойиров 2002 йил ёзида молига харидор излашга тушади. Шу ниятда "Қоракўлпахтатозалаш" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Юсупбой Ҳайитов билан хуфёна учрашиб, ўзида завод корига ярайдиган техника воситалари борлигини айтади. Агар пули масаласида тил топиша олсалар, ҳар қандай холис хизматга ҳозиру нозирлигини шипшитади.

Қарангки, бошқалар шохида юрса, раис баргида юрадиганлар тоифасидан чиқиб қолади. Шунданми, "пойқадами қутлуғ ҳожатбарор"ни қўлидан чиқаргиси келмай, дарҳол ундан жами қиймати 10 миллион сўмлик иккита гидронасос тўплами, бир жуфт вентилятор ва битта поршенли шиббалагич олиш тўғрисида шартнома тузади. Сўнгра, ҳали заводга келтирилмаган жиҳозлар пулини ижрочи мижоз ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Кейинги воқеалар янада антиқа тус олади. Юсупбой Ҳайитов 12 июль куни таъмирлаш бригадаси бошлиғи Тельман Холлиевни ҳузурига чорлаб, тадбиркор Анвар Зойиров буюртма маҳсулотларни келтиргани ҳақида гап очади. Сўзи ниҳоясида янги техникалар бугуноқ қабул қилиб олингани ва корхона омборига жойлаштирилгани хусусида тўлдирилган фактура ва юк хатини узатиб, уларга қўл қўйишини сўрайди. Тельман Холлиев, гарчи бундай юмушлар билан шуғулланиш ваколатига эга бўлмаса-да, "катта"нинг раъйини қайтаролмайди.

Товар-моддий бойликлар кирим-чиқими учун бевосита масъул ҳисобланмиш омборчи Фарҳод Олтиевнинг таваккалчилиги бундан-да ошиб тушади. У корхонага гидронасос тўпламлари эмас, аслида улардан атиги биттасининг, нари борса, 500 минг сўм турадиган насос қисми олиб келинганини кўра-била туриб сохта ҳужжатларни ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиб олади. Бу қинғирликлар жабрини охир-оқибат ҳақиқий айбдорлар бир четда қолиб, завод бош механиги Зиё Холиқов тортади.

Дарвоқе, у зарурат туфайли 15 июль куни завод омборидан 226-сонли товар ҳужжати асосида 8 тур эҳтиёт қисмлар қатори гидронасос тўпламининг бир дона насосини ва битта сув насоси олади. Дастлабкисини пресслаш цехига, кейингисини ўт ўчириш хонасига ўрнатади. Ишни тугатгач, чилангарлар иштирокида далолатнома тўлдириб, товар ҳужжати билан бирга идорага топширади. Фарҳод Олтиев эса мутлақо бошқа қоғоз қоралайди. Зиё Холиқовга иккита гидронасос тўплами ажратилгани тўғрисида қалбаки ҳисоботнома ҳозирлайди. Бухгалтериядагилар бош механик тақдим этган далолатномалар ўрнига у кўрмаган, имзоламаган, биргина омбор мудири қўл қўйган ҳужжатларни рўйхатга тиркашади.

Шу тарзда қоғоздан ўтин қаланиб, ҳаводан ҳолва ясалади. Дебочасига шартномада бор-у амалда йўқ бир жуфт гидронасос тўплами учун 4 миллион 960 минг сўм пул тўланади. Сўнгра улардан бири сирли равишда гумдон қилинади, иккинчиси эса ҳеч нарсадан хабари йўқ Зиё Холиқовнинг бўйнига ими-жимида "илиб" қўйилади. Аммо...

Орадан, бир неча кун ўтгач қинғир ишнинг қийиғи чиқади. Ўша йил эрта кузда вилоят давлат солиқ ва назорат-тафтиш бошқармалари, "Зарафшон-таҳлил" аудиторлик ташкилоти ҳиссадорлик жамиятида ҳужжатли текшириш ўтказади. Шу жараёнда жамоа раҳбарларидан бир гуруҳи охирги йигирма ой мобайнида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, катта миқдордаги солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, ҳужжатларни сохталаштириш, ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳамда ўзлаштириш воситасида ўзганинг мулкини кўп миқдорда талон-торож этишдек жиддий қонунбузарликларга қўлургани аниқланади. Жумладан, гидронасосларга дахлдор кўзбўямачилик ҳам юзага қалқиб чиқади. Шу муносабат билан Зиё Холиқов суҳбатга чақирилади. У бор гапни рўй-рост айтиб, гидронасос тўпламининг фақатгина насос қисмини олганини ёзиб беради. 2003 йил январига келиб, корхонанинг моддий жавобгар ва мансабдор шахсларидан тўққиз нафарига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, туман прокуратураси терговчиси Олим Хаттобов томонидан гувоҳ тариқасида сўралганида ҳам кўргазмасида собит қолади.

Эвазига ўз бошига ўзи бало орттиради. Ён-атрофда у ҳақда гап-сўз тарқаб, жиноятчи, эгриқўл деган тавқи лаънатга учрайди. Суриштирув ишлари туман прокурори ёрдамчиси Мухтор Муҳаммедов қўлига ўтгач, ҳаммаси алғов-далғов бўлиб кетади. Зиё Холиқов ишга айбланувчи сифатида жалб этилади. Шу асно бировлар яширинча пуллаган битта гидронасос тўплами учун 2 миллион 480 минг сўм тўлаб, корхонага етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади. Бундан қатъи назар, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" ва "в", 205- моддаси 2-қисми "а" ва "б" ҳамда 209-моддасининг "б" банди бўйича айблов эълон қилинади. Можаронинг асл сабабчилари Анвар Зойиров, Фарҳод Олтиев эса шунчаки гувоҳга айланадилар...

Шундай қилиб, заводдаги жиноятлар юзасидан жамланган тергов ҳужжатлари судга оширилади. Жиноят ишлари бўйича Жондор тумани суди айбдорлардан айримларига қилмишларига яраша жазо тайинлайди. Ишнинг қолганларга тегишли қисмини эса, тергов идорасининг хато-камчиликларни кўрсатган ҳолда, қўшимча терговга қайтаради. Чунончи, Зиё Холиқовнинг ҳаракатларида жиноят аломати борлигини ҳал этиш зарурлигини кўрсатади. Бироқ тергов ишларига раҳбарлик қилган, ўша кезлар вақтинчалик Жондор тумани прокурори вазифасини бажарувчи этиб тайинланган Самандар Сафаров суд хулосасига қўшилмайди. Ажримга "Дастлабки терговда тўпланган далиллар йиғиндисига кўра судланувчилар З.Холиқов ва Т.Холлиевларнинг жиноятлари тўлиқ фош этилган, қўшимча терговга ҳожат йўқ" мазмунида хусусий протест киритади.

Қиш арафасида иш янгитдан кўриш учун Вобкент тумани судига юборилади. Б.Орипов раислигидаги судлов ҳайъати уни холис ва одилона ўрганиш ниятида заводга бориб текшириш ўтказади. Шунда пресслаш цехига, ҳақиқатан ҳам, гидронасос тўплами эмас, балки унинг бир қисми ва алоҳида сув насоси ўрнатилганининг шоҳиди бўлади. Натижада Зиё Холиқов асоссиз айблангани, зимдан "ҳазм" қилиб юборилган гидронасосга унинг алоқаси йўқлиги, иккинчи ускунанинг 1 миллион 980 минг сўмлик бўлаги ким томонидан ўзлаштирилганига аниқлик киритилмагани аёнлашади. Иш такроран қўшимча терговга қайтарилади. Вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати бу борадаги ажримни ўзгаришсиз қолдиради.

### Журналист суриштируви

Шу ўринда Зиё ўзи яшайдиган туман прокуратурасидагиларнинг масалага холис ёндашишларига ишончини буткул йўқотади. Ишни бошқа тергов идорасига топширишларини сўрайди. Вилоят прокуратураси раҳбарияти бу мулоҳазани инобатга олмайди. Қўшимча тергов ўтказишни, "Ўзинг пиширган ошни ўзинг е" дегандай, яна Қоракўл тумани прокуратураси зиммасига юклайди.

Хўш, оқибати нима бўлади?

Янги терговчи Умурзоқ Тўхтаев анча вақтгача Зиёни сўроққа чақирмайдиям, тергов натижасидан огоҳ этмайдиям. Жилла қурса, унинг содир этилган жиноятда иштироки йўқлиги сабаб ишнинг ўзига тааллуқли қисмини Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 3-қисми билан тугатиш ҳақидаги илтимосномасини қабул ҳам қилмайди. Аксинча, айбланувчининг жиноят қонунларини яхши тушунмаслигидан фойдаланиб қолиш пайида бўлади. Бузилган ҳуқуқларини тиклашда, кўрган моддий ва маънавий зарарларини қоплашда кўмаклашишни ваъда қилиб, ҳимоячиси йўқлигида ундан ишни Жиноят кодексининг 65-моддаси бўйича тугатишга оид розилик хати ёздириб олади.

Шундай қилиб, узлуксиз 15 ойдан буён Зиё Холиқовни жиноятчиларга ҳамтовоқликда айблаб келаётган, ҳатто ишнинг икки бор судда кўрилишига эришган прокуратура ходимлари ўзларидан ўтган хатони тўғрилашнинг ўнғай йўлини топадилар. Рўй берган қилмиш гўёки ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотгани учун айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб, Зиёни жазодан холи этишга чоғланадилар. Аммо Зиё бу сафар бўш келмайди. Муқаддам терговчи олишдан бош тортган илтимосномасини почта орқали туман прокуратурасига жўнатиб, паттасини сақлаб қўяди. Маълум муддат ўтгач, прокурор Самандар Сафаров ва терговчи Умурзоқ Тўхтаевга учрашиб, натижасини суриштиради. Барибир фойдаси тегмайди. Унга тергов ҳужжатлари билан танишишга ҳам, сўнгги қарор нусхасини олишга ҳам имкон бермайдилар. Иш қачон, қай асосда ёпилганини аниқ айтмайдилар.

Ниҳоят, Зиё юқори идораларга устма-уст шикоят қилавергач, сир очилади. Ишнинг унга тегишли қисми Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 5-қисми 1-банди билан, аниқроғи, айнан терговчи Умурзоқ Тўхтаев ёздириб олган розилик хати бўйича тугатилгани маълум бўлади. Вилоят прокуратураси бу ҳақдаги қарорни асосли деб топади.

Начора?.. Бухоро-ю Қоракўл ўртасида бўзчининг мокисидек бориб келаверишдан чарчаган Зиё Холиқов энди матбуот мададига умид боғлайди. Бор дард-ҳасратини қоғозга тушириб, таҳририятимизга йўллайди.

Унинг шикояти, бизнинг илтимосимизга биноан, республика Бош прокуратурасида жиноят иши ҳужжатларини ўрганиш йўли билан кўриб чиқилади. Пировардида арзгўй ишнинг ўзига тегишли қисми асоссиз тугатилганидан норозилиги, у келтирган важлар синчиклаб текширилиши даркорлиги инобатга олиниб, олдинги қарорлар бекор қилинади. Қўшимча терговни ташкиллаштириш Бухоро вилояти прокуратурасига топширилади.

Кейин-чи?

Тағин эски ҳолат такрорланади. Иш яна илк манзилга бориб тушади. Вилоят прокурори Ш. Муҳамедов Қоракўл тумани прокуратураси ходимларининг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирувчи бирон-бир ҳолат мавжуд эмаслигини таъкидлаб, Зиёнинг аризасини қаноатлантирмасдан қолдиради. Ўз навбатида, келгуси тергов жараёнлари назоратга олинганини, якунлари Қоракўл прокуратураси томонидан хабар қилинишини билдиради. У ердагилар эса, 2004 йил 6 август куни ишни яна Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатишадию, ўтган галгидек қарор нусхасини беришмайди.

Ниҳоят, тоқатсизланган Зиё Бош прокуратурага олтинчи, таҳририятимизга иккинчи шикоят хатини жўнатади. Натижада қуйи идора қарорини яқин-яқингача ўринли ҳисоблаб келган вилоят прокуратураси 10 ноябрда уни бекор қилади ва... куласизми-куясизми, қўшимча тергов ўтказиш учун ишни яна Қоракўл тумани прокуратурасига юборади. Қарабсизки, ҳафта-ўн кун ўтмай чиқарилган охирги хулоса ҳам, Зиё Холиқовга берилган жавоб ҳам аввалгиларининг айнан ўзгинаси бўлади. Марҳамат, танишинг: **"... Қўшимча тергов натижасига кўра, жиноят ишининг Сизга тегишли бўлган қисми 2004 йил 18 ноябрь куни ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилди. Норози бўлган такдирда юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқингиз борлигини тушунтираман. Қоракўл тумани прокурори С.И.Сафаров".**

— Мен ҳар галги қўшимча терговнинг ўзимни нотўғри айблаган Қоракўл тумани прокуратурасига топширилишига, ишимнинг юқорида тилга олинган модда бўйича тугатилишига қарши бўлдим, — дейди Зиё. — Агар ростданам жиноятчи ҳисоблансам, аниқ далиллар асосида исботлаб бўйнимга қўйишсин. Майли, суд қилиб, айбимга яраша жазо тайинлашсин — ҳамма-ҳаммасига розиман. Бордию, аксинча бўлса, терговчилар ҳақиқатнинг кўзига рўй-рост боқишсин. Камчиликларини мардларча тан олиб, менинг оқланишим ва ўз ишимга тикланишим учун имконият яратиб беришсин.

— Сизни ҳозир ҳеч ким безовта қилиб, терговга чақираётгани йўқ-ку, — дейди бунга жавобан туман прокурори Самандар Сафаров хотиржамлик билан. — Хоҳласангиз, бемалол ишлашингиз мумкин.

— Қаерда, қайси юз билан?! — Зиё жунбушга келади. — Корхонамиз янги раҳбари "Сизнинг лавозимингиздан бўшатилишингизга мен сабабчи эмасман. Бас, шундай экан, ишга ололмайман", дейди. Мен эса қуруқ туҳматга учраганимни исботлаш учун ҳам аввалги вазифамга тикланишни, қариндош-уруғларим, эл-юрт олдида юзим ёруғ бўлишини истайман. Сизлар, наҳотки, шуни тушунмасангизлар? Наҳотки, мени икки йилдан бери овораю сарсон қилишдан чарчамасангизлар?..

Қизиқ, эндиликда прокуратуранинг асосий вазифаси одамларни жазолаш эмас, балки ҳимоя қилиш эканлигини Бухородаги айрим қонун посбонлари қачон англаб етишар экан?!

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

*Ислоҳот ва самара*

***Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни замонавийлаштиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Натижада макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда, иқтисодиётда хусусий тармоқнинг ўрни ва аҳамияти ошиб, фермерлик ҳаракати ривожланмоқда, капитал қурилишда эса бозор муносабатлари тобора чуқурлашмоқда, тўғридан-тўғри киритилаётган инвестициялар рағбатлантирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнларда республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда.***

# РАҚОБАТ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИ ТЕЗЛАТАДИ

Қўмита хусусида сўз кетганда, биз кўпинча у фуқаролар, яъни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва реклама қонунчиликларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилувчи идора, деб ўйлаймиз. Аслида эса, унинг фаолияти кенг қамровлидир. Хусусан, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, товар бозорларида рақобат муҳитини таҳлил қилиш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва қайта ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш ва мувофиқлаштириш бўйича давлат назоратини олиб бориш, монополияга қарши ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини тартибга солиш, капитал қурилиш соҳасида мониторингни юритиш каби устувор вазифаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, монополияга қарши қонунчиликни ҳаётга татбиқ этиш тажрибаси, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнлари, жумладан, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш зарурияти ҳам қўмита олдига бир қатор янги вазифаларни қўймоқда.

Хўш, ана шу вазифалар қай даражада бажарилмоқда?

Аввало, рақобат сиёсати самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва реклама фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қўмита томонидан соғлом рақобат муҳитини яратишга, товар бозорларини монополлаштиришга бўлган уринишларнинг олдини олишга йўналтирилган мустаҳкам ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2004 йил давомида жами 100 га яқин қонунчилик ҳужжатлари, вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқилиб, улар юзасидан таклифлар тақдим этилди.

Монопол маҳсулотлар бўйича ўтказилган таҳлиллар эса шуни кўрсатдики, унинг асосий қисмини ишлаб чиқариш-техник фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотлар (ЯИМнинг 9,1 фоизи) ҳамда хизматлар (ЯИМнинг 6,4 фоизи, табиий монополиялар хизматларидан ташқари) ташкил этаркан. Шу боис буюм бозорларида устунлик мавқеига эга бўлган корхоналарнинг монополистик фаолиятини чеклаш ва унинг олдини олиш бўйича давлат назоратини ўрнатиш ва мувофиқлаштириш учун маҳсулот ва хизматлар бўйича монопол бирлашмалар (корхоналар) Давлат реестри юритилиб, ўтган 6 йил мобайнида монопол корхоналар сони 827 тадан 351 тага (2,4 маротаба) камайтирилди. Шунингдек, монопол маҳсулот ва хизматлар сони қарийб 20 баравар қисқартирилди. Айниқса, Давлат реестрини юритиш усулларининг такомиллаштирилиши ва бу борада янги меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши маҳсулот ва хизматлар монопол турлари сонининг 4351 тадан 226 тага камайишига олиб келди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, бозорни эркинлаштириш ва унга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнининг жадаллаши туфайли кимё ва қурилиш материаллари соҳасида ҳам монопол корхоналарнинг сони босқичма-босқич қисқарилаётганлиги кузатилмоқда. Масалан, ҳозир 100 турдаги маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган кимё саноатининг 35 та корхонасидан 20 тасида 18 турдаги товар ишлаб чиқарилмоқда. 60 турдаги қурилиш материаллари тайёрлашга мўлжалланган 117 та корхонадан 47 таси эса 21 турдаги қурилиш товарлари ишлаб чиқариш бўйича монопол корхона ҳисобланади.

Қўмитанинг муҳим вазифаларидан яна бири – монополиядан чиқаришнинг республика, тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни мувофиқлаштиришдир. Ўтган йили шу мақсадда маҳсулот ва хизмат турлари бўйича 1000 га яқин товар бозори таҳлил қилиниб, иқтисодиётнинг тегишли соҳа ва тармоқларини монополиядан чиқаришнинг мақсадли дастурлари қабул қилинди. Хусусан, ёғ-мой маҳсулотлари бозорининг таҳлили республикамизда ушбу маҳсулотлар бўйича талаб ва таклифнинг нисбатан мувозанатда эканлигини, лекин бугунги кунда ёғ-мой саноати бошқарув тизимида монополизмнинг мавжудлигини кўрсатди. Бу тармоқда хомашё, тайёр маҳсулотни марказлаштирилган фондлар ҳисобидан тарқатиш усули қўлланилаётгани, шунингдек, хомашё ва материалларни сотиб олишда марказлаштирилган экспорт-импорт операциялари амалга оширилаётгани билан тавсифланади. Шу боис "2002-2005 йилларда ва 2010 йилга қадар рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналишлари"га мувофиқ, ёғ-мой саноати тизимини монополиядан чиқариш бўйича дастурга кўра, уни асосан маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарни ривожлантириш ҳисобига такомиллаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг тармоғини шакллантириш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, моддий-техник ва хомашё ресурсларидан фойдаланишда корхоналарга тенг имкониятлар бериш, маҳсулот ассортиментини кенгайтиришга имкон ярата оладиган янги технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, рақобатбардош маҳсулот турлари ҳажмини кўпайтириш, корхоналарни қайта техник жиҳозлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг монополлашган тармоқларидаги маҳсулотлар харажатларини пасайтириш, рақобат муҳитини яратиш, асосий фондлар ва технологияларни янгилаш борасида тегишли дастурлар қабул қилингани ҳам ўз самарасини бермоқда. "Рақобат сиёсатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури"га мувофиқ, ҳар бир монополист корхона бўйича белгиланган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, бозорларда рақобат муҳитини ривожлантириш, асосий фондлар ва технологияларни янгилаш, шу тариқа ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги 57-сонли қарорига кўра эса, монополист корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган юқори ликвидли маҳсулотлар биржа ва «Кимошди» савдолари орқали эркин сотилмоқда. Шунинг ўзиёқ иқтисодиёт тармоқларида товар бозорларини янада эркинлаштириш жараёнлари кенг жорий этилаётганлигини тасдиқлайди.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рақобатни ривожлантиришнинг бош омилидир. Бозор фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳам, энг аввало, унда тадбиркорларнинг иштирок этишини кўзда тутади. Бу масала ҳам эътиборда турибди. Хусусан, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 275 мингга етиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,1 фоизни ташкил этди. Шу муддат ичида тадбиркорлик субъектларида қўшимча 324,7 мингта янги иш ўрни очилди.

Қўмита ва унинг ҳудудий органлари ўз навбатида истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпти. Бир мисол. Ўтган йили аҳолидан жами 700 дан ортиқ шикоят келиб тушганди. Уларнинг 610 дан зиёди истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Шикоятлар бўйича 200 дан зиёд субъектга кўрсатмалар тақдим қилинди. Бундан ташқари, «Ишонч телефонлари» орқали олинган 800 га яқин шикоят ҳам рўйхатдан ўтказилиб, улардан 220 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди, 580 таси бўйича эса тушунтириш ишлари олиб борилди.

Қўмита томонидан хорижий давлатларнинг монополияга қарши органлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида ҳам фаол тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларининг мазкур йўналишдаги идоралари орасида қўмита биринчилар қаторида Рақобат бўйича халқаро ҳамжамият аъзолигига қабул қилингани, айниқса, унинг ҳамжамиятдаги доимий иштирокини таъминлади.

Айни кунларда қўмита вакиллари бир қатор халқаро молия институтлари миссиялари учрашувларида қатнашмоқда.

— Монополияга қарши, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ҳамда реклама фаолиятини мувофиқлаштириш давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишларини кенг оммага тушунтириш тадбирларини ўтказиш ҳам қўмитанинг диққат марказида турибди. Оммавий ахборот воситаларида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, жойларда монополиядан чиқариш бўйича минтақавий ва тармоқ дастурларининг ижроси, товар бозорлари таҳлиллари натижалари, нотўғри рақобатнинг олдини олиш ва сифатсиз товарларнинг республикамизга ноқонуний йўллар билан олиб келинишига қарши курашиш, Маҳаллий реклама саноатини ривожлантириш ҳамда табиий монополиялар фаолиятини таҳлил қилиб, уни мувофиқлаштириш масалалари кенг ёритилаётир.

Шу кеча-кундузда қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида 2004 йил якунлари муҳокама қилиниб, навбатдаги режалар белгилаб олинаяпти. Ана шу режаларга кўра, Янги йилда ҳам қўмита жамоаси ўз зиммасидаги кенг кўламли ва кенг миқёсли вазифаларни амалга ошириш йўлида изчил фаолият кўрсатаверади. Бунинг учун унинг ходимларида билим, юқори малака ва ишга масъулият ва ташаббускорлик билан ёндашиш фазилатлари етарлидир.

**Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг матбуот хизмати.**

# Мелиорация

## Мингбулоқда деҳқончилик тақдирини ҳал этади

***Мингбулоқ туманида етарли хирмон кўтарилсагина вилоятда пахта тайёрлаш шартномавий режаси бемалол уддаланади, деган гап юради Наманганда. Бекорга шундай дейишмайди. Чунки қўриқ туман вилоят пахтасининг салкам 20 фоизи, аниқроғи, 42 минг тоннасини етказиб беради.***

Якунланган йилда мингбулоқликлар шартнома режасига нисбатан 90 фоиз хомашё тайёрладилар. Бурноғи йили бу кўрсаткич 56,5 фоизни ташкил этган эди. Табиийки, ўтган йили вилоятда ҳам пахта салмоғи 2003 йилдагига қараганда сезиларли даражада ортди. Буни, энг аввало, пахтакорлар Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида туман шаънига билдирилган танқиддан етарли хулоса чиқарганликлари билан баҳолаш ўринлидир. Тармоқдаги аҳволни тубдан ўнглаш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида ҳосилдорлик гектар бошига 6,7 центнер кўтарилиб, 18,7 центнерга етди. Шартнома режасини барвақт уддалаган «Гигант» ширкат хўжалигида бу кўрсаткич 35, кўплаб фермер хўжаликларида 42 центнерни ташкил қилди. Иқтисодий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, туман пахтакорларининг даромади аввалги йилдагидан 2 миллиард 418 миллион сўм кўпайди.

*Таҳлил*



Мутахассислар ўзгаришларни, энг аввало, ирригация-мелиорацияга ўнг кўз билан қаралгани билан баҳоламоқдалар. Аслида ҳам шундай. Қатор йиллардан буён ковланмай келаётган ариқ-зовурларга инсон қўли тегиб, аксарият ерларда тепчиб ётган захнинг қочирилиши ҳосилдорликни кескин кўтарди. Бунда асосий кучларни Марказий Фарғона чўлларига йўллаган Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси гидрогелогия-мелиоратив экспедициясининг деҳқонларга чинакам мададкор бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу йил ҳам ўтган йилдагидек, ерлар захини қочириш, шўр ювиш орқали мелиоратив ҳолатни яхшилашга қаратилган кенг кўламли тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

— Ўтган йили Чустда экскаваторларни гуруҳларга бўлиб ишлатиш яхши самара берди, — дейди вилоят мелиораторлари етакчиси Алишер Бобохонов. — Туман тўққиз йиллик танаффусдан сўнг режани бажаргани ҳам шундан. Ўша тажрибани эндиликда вилоятнинг кўпчилик туманларида, жумладан, Мингбулоқда ҳам қўллаяпмиз.

Қўриқ тумандаги зовурларни тозалаш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўшимча 75 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу 208 километр узунликдаги ирригация шохобчаларини тозалаш имконини беради. Айни кунларда «Наманган», Навоий номли, Амир Темур номли, «Хоразм» каби фермер хўжаликлари ҳудудларида суғориш тармоқлари тозаланмоқда. Бу ишлар билан 29 та экскаватор машғул. Кунлик топшириқни ошириб бажараётган Зафаржон Саримсоқов билан суҳбатлашдик.

— Шерикларимнинг экскаваторлари анча эскириб қолган, эҳтиёт қисмлар танқис, — деди у. — Менинг «Фарҳод»имга эса гап йўқ. Уни Хоразмда тайёрлашган, шароитимизга жуда мос. Кунига 150-160 кубометр ҳажмида тупроқ ишларини бажараяпман.

Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бўлим бошлиғи Тоҳиржон Аҳмедов экскваторчининг гапларини маъқуллайди. Чиндан ҳам, тумандаги аксарият ковлаш техникаси «қариб» бўлган. Улардан фойдаланиш қийин кечяпти. Ҳарна иш юрсин, дея ташкилотлардаги бир неча йиллардан буён бузилиб ётган экскаваторлар ҳам таъмирланиб, далага чиқарилмоқда. Ўтган куни тумандаги қурилиш-монтаж бошқармасидан, кеча эса сув хўжалигидан ҳам биттадан техника сафга қўшилди.

Белгиланган тадбирларга мувофиқ, баҳоргача 750 километрлик зовурлар тозаланиши зарур. Тумандаги мавжуд тармоқлар эса анча кўп — 1720 километрни ташкил этади. Шу кеча-кундузда ишлаётган техника билан эса катта юмушнинг уддасидан чиқиш қийин. Яна 33 та экскаватор талаб этилади. Боз устига, эҳтиёт қисмлар, қўшимча жалб этилган техника учун ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари етишмаслиги панд бермоқда.

Мингбулоқлик деҳқонга тинчлик бермаётган яна бир муаммо — ерларнинг шўрланиб кетганлиги. Бугун 530 гектар майдон ўта шўрланган.

Шўр дегани экилган чигитни куйдириб юборади, униб чиққани ҳам кунлар исиши билан қовжирайди. Бу ерларнинг шўрини уч марта, ўрта шўрланган 5600 гектар пайкални эса икки марта ювиш тақазо этилади. Умуман олганда, 17300 гектар экинзорнинг шўрини агротехника талаблари даражасида ювмасдан туриб, мўлжалдаги ҳосилга кўз тикиш бекор.

Кенг кўламли ана шу юмушни уддасидан чиқиш учун бу йил бошқачароқ йўл тутилди. Яъни, вилоятдаги энг тажрибали мироблардан 400 нафарини туманга таклиф қилишди. Бунга қадар Мингбулоқнинг ўзидаги юздан зиёд миробнинг ҳар бирини биттадан пайкалга масъул этиб қўйишганди. Иш анчагина юришиб қолди. Туманни Сирдарё, шунингдек, Охунбобоев номли ва «Р-1» каналлари ўраб олган. Уларда етарли миқдорда сув бор. Фақат шўр ювиш билан банд бўлган кишиларга етарли шароит яратиб бериш, улар ишини назорат қилиб борилса, кифоя.

Қишки агротехника тадбирларига ёздагидан кам бўлмаган даражада ёндашилаётгани дала меҳнатчиларини ҳам анча ҳушёр торттирди. Фермерлар, пудратчилар миробларр билан бирга пайкал кезишяпти. Энг муҳими, сифат устидан назорат кучайган. Демак, экиш бошлангунга қадар барча майдонлар шўри кўнгилдагидек ювилиб, зах тортган экинзорлар тартибга келтирилади. Пировардида, айтиш мумкинки, туманда қолоқлик доғи ювилади, деҳқоннинг қадди кўтарилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Қосимжон АКБАРОВ, «Мингбулоқ» газетаси муҳаррири.**

# Спорт




***Аввал хабар берганимиздек, Исроил давлатининг Тель-Авив шаҳридаги муҳташам «Хапоэл» спорт мажмуасида ўзбек кураши бўйича йилнинг биринчи — «Olympic-Hope»(«Олимпия умидлари») халқаро турнири бўлиб ўтди.***

## Уч қитъа полвонлари сараланди

Ушбу нуфузли мусобақада Европа, Осиё ва Африка қитъаларидан келган 200 нафардан зиёд полвон иштирок этди.

— Мусобақалар кутилганидан ҳам қизиқарли ўтди, — дейди Исроил кураш федерацияси президенти Питер Бен Розен. — Турнирнинг «Олимпия умидлари» шиори остида ўтишида ҳам рамзий маъно бор. Чунки, минглаб дунё ёшлари ўзбек курашининг тезроқ олимпиада дастуридан жой олишини хоҳлашади. Иштирокчиларнинг талабига биноан, ушбу турнирни келажакда анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олдик. Шу ўринда мусобақани юқори савияда ташкиллаштиришда амалий ёрдам берган Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонаси ходимларига миннатдорчилик билдирамиз.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар ва медаллар билан тақдирланишди.

## Спорт карвонлари

Ўтган йил охирида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан барпо этилган спорт иншоотларини зарур спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида тендер савдолари ўтказилганди.

Унда мамлакатимиздаги 30 дан ортиқ спорт ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирок этган эди. Тендерда ғолиб чиққан 7 та корхона билан 500 миллион сўмдан ортиқ спорт анжомлари ва ускуналари етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

— Бугунгача спорт анжомлари билан таъминланган спорт карвонлари вилоятлардаги кўплаб болалар спорт мажмуаларига етказиб берилди, — дейди жамғарма масъул ходими Ифтихор Бегматов. — Дастлаб туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқларда жойлашган спорт мажмуалари жиҳозланди. Ушбу спорт карвонларини кутиб олиш барча жойда катта тантанага айланди. Айниқса, болажонларнинг қувончини кўрсангиз эди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим
Тошкентдаги омбордан.
Телефон
134-48-11.
Автомобиллар ва ишлаб чиқариш
хоналари учун емирилишга чидамли
ТРАНСЛИН қопламаси.
Товар сертификатланган



CALL FOR TENDER
The Centre in Tashkent of the Organization for Security and Co-operation in Europe
invites Travel Agencies with their offers (in English) for providing conference facilities, related equipment, meals, accommodation and transportation of the participants throughout Uzbekistan.
Deadline for submission of offers: 17 January 2005, closure of business.
For further information, please call at 120 44 70 + 119 or send an e-mal to
Nilufar.Ruzieva@osce.org

Katris
КОРХОНАСИ
МАКТАБ, КОЛЛЕЖ
ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ
ИШЛАБ
ЧИҚАРАДИ
ВА
СОТАДИ
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.



Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган
РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.
Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.


«ГАЗ-31105»


«ИЖ-2717»,


«ВАЗ-2106»


«ГАЗЕЛЬ»

Орамиздаги одамлар

# ЙИГИТНИНГ қирқ биринчи ҳунари

### Оддийгина мўъжиза

— Биз бувайдаликлар ҳам дунёга чиқяпмиз, жаҳонни қойил қолдиряпмиз, — деди кулимсираб журналист биродаримиз Алишер Шерматов. — Эрон, Германия, Америка каби давлатлар ҳам маҳсулотларимизга харидор.

Алишер ака гапига ишонмаганимизни сездими, ўқувчилар сумкасидай келадиган, моҳирона тикилган чарм ғилофга солинган нарсани бизга узатди:

— Мана, кўтариб кўринг, енгил, олиб юришга ҳам жуда қулай. Шунинг учун хорижликлар талашиб олишяпти, кўплаб буюртмалар беришяпти.

— Нима ўзи бу? — деб сўрадик.

— Бешик.

— Бешик?..

— Бу киши Йигитали Деҳқонов бўлади, — ака гапни бошқа ёққа буриб, ёнидаги истарали йигитга имо қилди. — Ўзиям "Йигит кишига қирқ ҳунар оз", деган мақолга юз фоиз амал қиладиган йигитлардан. Спорт устаси, мактабда муаллимлик қилади. Электр асбобларини у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади. Яна камига қўли гул наққош, ҳайкалтарош, суратчи, дурадгор, рассом... Бу эса, — ғилофга имлади, — Йигиталининг қирқ биринчи ҳунари — йиғма бешик!

Йигитали сумкани очиб, ундаги ёғоч бўлакчаларини бир-бирига бирлаштирди. Саноқли дақиқалар ичида рисоладагидай бешик ва беланчак барпо бўлди. Инсонни қўли гул, ҳар қандай мўъжиза яратишга қодир, — дейдилар. Мўъжиза кўз олдимизда намоён бўлганди. Бешик ва беланчак шунчалик дид, ўта бежирим ва гўзал яратилган эдики, уни оддий мактаб ўқитувчиси ясаганига ишонмадик.

— Бувайда туманининг Ўртақишлоғида ишлаб чиқилган, маҳсулот сертификатланган! — деди Алишер ака қувноқ оҳангда.

### Тасодифми, иноят?

Йигитали ака йиғма бешик ва беланчак ясаш ғоясининг туғилиши, унинг яратилиши ҳақида берган саволларимизни жилмайиб туриб эшитдида, ҳикоясини бошлади:

— Одам ҳамма нарсага қодир, деб кўп гапирамиз. Аммо турмушимизда сал қийинчилик бўлса, муаммо туғилса, атрофга аланглаб қоламиз: худди бунга бошқалар айбдордай. Лекин бу муаммони ҳал қилиш йўл-йўриқларини ўйлаб кўрмаймиз, имконият қидирмаймиз.

Газетада америкалик фуқаро ҳақида бир хабарни ўқиган эдим. У оддий тиш ковлагични кашф қилибди ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилибди. Тиш ковлагичнинг орқасидан миллионерга айланибди. Бу оддий ва ибратли воқеа. Ана шунга ўхшаш ўзимга ҳам, одамларга ҳам фойдаси тегадиган ихтиро ҳақида жуда кўп ўйладим.

Бир куни эшикдан юзларидан нур ёғилиб турган, оппоқ соқолли отахон кириб келди. Елкасида эски бешик.

— Қўлингдан анча-мунча иш келишини биламан, — деди у. Сўнг елкасидаги бешикка ишора қилиб давом этди. — Мана шу бешикни таъмирлаб, бўяб бергин.

Мен ишга киришдим. Отахон ёнимга ўтириб, ишимни кузатаркан, яна сўзлай кетди:

— Мана шу бешикда болалигида отам ётган экан. Кейин унда мен, укаларим, сингилларим катта бўлишди. Сўнг ўғил-қизларим... Энди набирам унда униб-ўсади. Ҳар оилада ҳам бу удум бор. Янгисини сотиб олиши ҳам мумкин, аммо бундан ота-боболарининг ҳиди келиб туради... Бу — не-не онаизорларнинг аллаларини тинглаган, уларнинг кўз ёшлари, хоҳ у севинч, хоҳ қайғу ёши бўлсин, барисига шерик, гувоҳ. Шунинг учун бешикни муқаддас нарса деб биламиз.

Аммо ҳеч кузатганмисан, кўп оилаларда шу муқаддас бешик ўз вазифасини бажариб бўлгач, навбатдаги фарзанд дунёга келгунча кераксиз бўлиб қолади: томда, дарахт шохларида офтобда қовжираб, ёмғирда ивиб ётади.

Сен шуни ўйлаб кўр. Шу бешикнинг йиғиладиган шаклини ясаб бўлмасмикан? Бешик вазифасини бажариб бўлдими, йиғилса, бир рўмолга тугилса, оиланинг муқаддас ашёлари турадиган — тўрига илиб қўйилса қандай соз бўларди.

Отахоннинг кейинги гаплари қулоғимга кирмади. Унинг илтимосини қандай охирига етказдим, уни қандай кузатдим, ҳозиргача эслолмайман. Фикру зикримни отахон айтган — йиғиладиган бешик банд қилиб олганди. Шу кундан бошлаб кеча-ю кундуз ўйладим, чиздим, ясашга уриниб кўрдим. Ўтган ойлар, йиллар самарасиз кетмади: дастлабки йиғма бешикларни маҳсулотнинг ҳолини бор ёки вой қиладиган жой — бозорга чиқардим!

Ўша кун такрор-такрор ёдимга тушаверади, — Йигитали юзига томган кўз ёшини бизга кўрсатмасдан артишга ҳаракат қилиб, давом этади. — Юз чоғли одам бешикларни ўраб олган.

— Нима бу? Нима бу? — деган саволларни ёғдиришди.

Бешикларни тиклаб кўрсатдим.

Бешикларни тахлаб кўрсатдим.

— Зўр-ку! – дейишди.

— Мўъжиза-ку! — дейишди.

Талашиб кетишди.

Иккитаси ҳатто ёқалашиб кетди.

Мен индамасдим.

Мен жим турардим.

Кўзимдан оққан ёшларга парво ҳам қилмасдим.

Бундан уялмасдим ҳам.

Шу жойда бешик кўтариб уйимга кириб келган, юзидан нур ёғилиб турган, оппоқ соқолли отахон кўз олдимда намоён бўлди.

Кейин у отахонни умуман учратмадим.

Ҳар замонда ўзи отахонни ўнгимда кўрганмидим, унинг илтимосини бажарганмидим, йиғма бешик ҳақида у кишидан эшитганмидим, деган саволлар мени иккилантириб, ўйлантириб қўяди.

Бу тасодифмиди ёки иноят?

### Режалар бисёр, аммо шарт-шароит...

Йигитали аканинг ҳовлисида иш қайнайди. Уста ўғиллари, ўнлаб шогирдлари билан бешик ва беланчаклар тайёрласа, турмуш ўртоғи, қизлари ва келинлари уларга кўрпача, ёстиқ, қопламалар тикишмоқда. Қисқа давр ичида 300 дан ортиқ бешикни хайрия тариқасида тарқатди.

— Замонавий бешикларимизнинг бозори чаққон, — дейди Йигитали ака завқ билан. — Хорижлик миллатдошларимизни айтинг! Улар ҳам ўз фарзандларини, ўзлари катта бўлгандек, ўзбекона бешикка боғлашни орзу қилишаркан. Аммо яқин-яқингача бунинг иложини топишолмабди. Мана, энди ихчам сумкаларда олиб кетишяпти. Яна қанчалаб буюртмалар беришяпти. Ишчи кучи етарли. Унинг устига, ўғлимни шогирдликка ол, деб келувчилар қанча. Фақат шароитимиз...

Туман ҳокимлигида устахона учун ер ажратиб бериш ҳақида кўп гапирилмоқда. Аммо...

Мақсадим пул орттириб, бой бўлиш эмас. Асрлар бўйи сайқал топиб келган бешикчилик санъатимизни ёшларга ўргатсам... Нафақат бешик, болалар буюмлари, ўйинчоқлари ясайдиган катта устахона ташкил қилсам...

Орзулар, режалар бир талай. Ишонамизки, тиниб-тинчимас, ихтирочи, қўли гул уста, энг асосийси, оддий, меҳнаткаш инсон Йигитали Деҳқоновнинг бу эзгу ниятларининг амалга ошишида Бувайда тумани ҳокимлиги қараб турмайди. Асрлар оша сайқалланган халқ ҳунармандчилик санъатини асраб-авайлаб, унинг ривожига, озми-кўпми, ўз ҳиссасини қўшиб келаётганларнинг меҳнатини, албатта, қадрлашади.

**Саид АНВАР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

# Ҳайитхон аянинг таянч тоғлари

***Агар Ҳайитхон аянинг ортда қолган умр йўлларига назар ташлайдиган бўлсак, манаман деган ботир йигитларни ҳам ҳолдан тойдирадиган, тинкасини қуритадиган довонларга дуч келамиз. Юрак орқага тортади. Ажабо, бу ўнқир-чўнқир манзилларда сим-сим тўкилган аччиқ тер, кўз ёшларнинг сони, салмоғини қандай ўлчаш мумкин? Ёки сарф қилинган ёшлик куч-қуввати, кўз нури, оналик меҳри, сабр-бардош миқдорини тортиб берадиган тарозу борми бу дунёда?!***

Ая 50 йилдан зиёд юзларидаги ажинлардек тарам-тарам пахта далаларида меҳнат қилди. Шому саҳар, қишин-ёзин қўлидан кетмон, белкурагу ўроқ тушмади. Аксига олиб раҳматлик қайнонаю қайнотаси ҳам дунёдан эрта ўтиб кетишган, қишлоқда боғча-ясли деган нарса йўқ. Бир қўлда иш қуроли, бир қўлда жажжи чақалоғи, изида тўнғичи билан далага шошади. Кечикишга асло ҳаққи йўқ.

Дадажониси — колхозда оддий тракторчи бўлиб ишлайдиган Ўринбой акага ҳам осон эмас. Эрта кетиб кеч келади. Бировларга ўхшаб уйида бемалол оёқ узатиб ҳордиқ чиқаришга, еру кўкка ишонмайдиган фарзандларини, оиласини сайру саёҳатларга олиб боришга имкон қайда дейсиз. Энг алам қиладиган томони, турмуш қийинчиликлари, кетмону белкураклар ҳали суяги қотмаган болаларининг ҳам қўлларини қавартириб улгурди.

Ўринбой аканинг ҳам умри қисқа экан, пешонага сиғмади. Кутилмаган фожиадан, ҳаёт зарбасидан Ҳайитхон ая ўн икки фарзанди – етти ўғил, беш қизи билан қолди. Аламини ердан, кетмондан олди. Унга умид билан қараб турган ўғил-қизларининг эртанги куни, бахт-саодати учун курашди.

Ҳалол меҳнат, ирода кучи, эзгу ниятлар онаизорни ҳаётнинг ўта машаққатли довонларидан эсон-омон олиб ўтди. Бор машаққатлар, қийинчиликлар ортда қолди. Бугун Сухобод қишлоғида, маҳаллада давраларнинг тўри Ҳайитхон аяники.

Аянинг ҳар қанча фахрланса, ғурурланса арзийдиган яна бир томони бор. Суюкли ўғилларидан бири эмас, олти нафари ҳарбий хизматчи – Ватан посбони. Укаларига ҳақиқий намуна бўлмиш подполковник Мавлонжон Юнусов қисм командири (Унинг турмуш ўртоғи Валяхон ҳам шартнома бўйича хизмат сержанти). Шавкатжон чегарачи – шартнома бўйича хизмат сержанти. Ҳаётжон ички ишлар бўлими ходими, кичик сержант. Шартнома бўйича хизмат сержанти Абдужаббор Юнусов эса гуруҳ командири. 2004 йил бўлиб ўтган Биринчи умумармия ўйинларида қўл жанги бўйича 75 кг. вазнда барча рақибларни доғда қолдирган ҳам шу йигит бўлади. Бугунги кунда у Қуролли Кучлар академияси қошидаги Тил ўрганиш марказида ўз касбий малакасини оширмоқда. Акаларига эргашган кенжатой Дониёржон ҳам ҳарбий госпиталда тиббий хизмат кичик сержанти, фельдшер сифатида хизмат қилиб келаяпти. Қолаверса, лицейда чақириққача тайёргарлик фанидан сабоқ бериб келаётган Баҳодиржонни ҳам бемалол ҳарбийлар қаторига қўшиш мумкин.

От ўрнини той босар, деганларидек, аянинг неваралари шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Исмоилжон Дадабоев, яқиндагина аскарлик хизматини бошлаган Рустамжон ва Нуъмонжонларнинг ҳам ҳарбийлик касбига иштиёқи баландлигини ҳисобга оладиган бўлсак, келгусида катта оилада бўлғуси офицерлар, ҳарбийлар сони янада ошиши аниқ.

Очиғини айтиш керак. Ая ҳарбийлик шарафини оқлаб келаётган фарзандлари, неваралари билан жуда-жуда фахрланади. Уларни "Жанговар ўғлонларим, таянч тоғларим" дея суюб ардоқлайди.

Яқинда ая келини Зумрадхон билан ибратли оила, тўғрироғи намунали қайнона, намунали келин республика танловида иштирок этиб, Риштон тумани ғолиби бўлди. Қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Албатта, онахоннинг ушбу ютуғида нафақат Зумрадхон, балки барча келинлар – Валяхон, Рашидахон, Гулнорахон, Зулхуморхон, Ферузахон, Зиёдахонларнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор.

— Фарзандларимдан, келинларимдан мингдан-минг розиман, мени жуда иззат-ҳурмат қилишади, — дейди Ҳайитхон ая. – Нафақага чиққанимдан бери умрим сайру саёҳатда ўтмоқда. Бухоро, Самарқанд, Термиз, Туркистон, Тошкентдаги азиз авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилдим. Фарзандларимнинг менга, бир-бирларига бўлган муомаласи, меҳрибончиликларини кўриб қалбим тўлқинланади, кўзим севинч ёшларига тўлади. Қийинчилик билан вояга етказган ўғил-қизларим бугун эл-юрт корига яраётганига, Ўзбекистонимизни худди ўз онасидек авайлаб-асраётганига шукр қиламан. Доим дуодаман...

**Мақсуд МИРЗО.**
**Азимбек УСМОНОВ,**
**майор.**

*Коллежлар, академик лицейлар республика таълим тизимида муҳим бўғин саналади. Айнан шундай ўқув муассасалари орқали ёшларда касб-ҳунар кўникмаларини ҳосил қилишда, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда самарали натижаларга эришилмоқда. Албатта, бунинг учун, энг аввало, замонавий ўқув биноси, мустаҳкам моддий-техник база зарур.*

*Жорий ўқув йилида Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида ишга тушган педагогика коллежи ана шундай имкониятларга эга. Сифатли, кўркам ўқув муассасасида таълим олиш учун барча шароитлар яратилган.*

**СУРАТДА: коллеж ўқувчилари ўзлари таълим олаётган ўқув даргоҳи билан доим фахрланадилар.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ИСО 9001:2000 бўйича халқаро сертификатга эга
Ўзбекистонда ягона консалтинг компанияси
тренинг-курсларга таклиф этади.
MS Consult
ISO 9001
TUV Academy
Тасдиқланган дастур бўйича
ISO 9001-2000 й. Версияси бўйича сифат бошқаруви тизими менежери
Тренинг-курсларда
• Стандартнинг ҳар бир талаби ва уларнинг қўлланиши ўрганилади.
• Сифат бошқариш тизими (СБТ) учун зарур барча турдаги ҳужжатлар аниқланилади.
• Амалий машғулотлар ўтказилади.
• СБТ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш усуллари ёритилади.
• СБТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш босқичлари аниқланилади.
• Сифатнинг ички текширувини ўтказиш тартиби ва зарурлиги номувофиқликлар сабабларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ёритилади.
Курс 24 январда Халқаро бизнес маркази биносида ўтказилади
Курслар RWTUV халқаро сертификацион ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилади
RWTUV
Тел./факс: (998 71) 136-55-34, 152-76-71 (998 97) 111-07-49
e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru
www.ms-consult.uz

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
қуйидаги объектлар бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
1. Зомин тумани, Пшағар қишлоғида иқтисодиёт соҳасидаги 600/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан).
2. Зафаробод тумани, Уч қаҳрамон қишлоғида маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги 600/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (калити билан).
Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси. Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-31-59, 222-27-05.
3. Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Равот шаҳарчасида кинология марказининг махсус ошхонаси ва ювиниш хонасини қайта таъмирлаш.
Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси МХХга қарашли 9784-сонли ҳарбий қисм. Манзили: Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Равот шаҳарчаси. Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел./факс: 226-14-66.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 31.01.2005 г. |
|---|---|

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ДУ 15х2,8 мм | 939000 | ДУ 40х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 939000 | ДУ 50х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 25х3,2 мм | 929000 | ДУ 100х4,0-5,0 мм | 986000 |
| ДУ 32х3,2 мм | 919000 | | |

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 76х2,8-4,5 мм | 994000 | 114х3,0-6,0 мм | 994000 |
| 89х5,0 мм | 919000 | 159х5,0-6,0 мм | 1177000 |
| 108х3,0-4,5 мм | 994000 | | |

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).
Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йўли, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлойиҳа».
Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES LTD компанияси
ТОШКЕНТДАГИ УЛГУРЖИ ОМБОРХОНАСИДАН ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:
* сахарин 6500дан – 6000гача сўм/кг;
* сорбин кислотаси 9500дан – 9000гача сўм/кг.
Испанияда ишлаб чиқарилган алкоголсиз ичимликлар учун шакар ўрнини босувчи.
Ширинлик коэффициенти 130-160, нархи 8000 сўм/кгдан юқори, 160-180, нархи 10000 сўм/кгдан юқори.
Музқаймоқ ва кондитер маҳсулотлари учун ҳид-таъм берувчи моддалар: олча, малина, апельсин. Нархи 15000-20000гача сўм/кг.
Испанияда ишлаб чиқарилган озуқа бўёқлари ҳам бор.
Тўловлар исталган шаклда амалга оширилади.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Қатортол к., 60-уй.
Тел.: 173-53-56, 173-97-53, факс: 173-53-57.
E-mail: siftech@sarkor.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети жамоаси университетнинг Шарқ тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Бахтиёр Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси

**ИҚБОЛХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасининг профессори

**Озод Муҳамедович НАЖМИТДИНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани Р.Бобоёровга волидаи муҳтарамаси

**ФАЙЗИ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 063. 30475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Ⓣ-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10
23456